







## Ислом Нури

«Бир киши йўлда бораркан, қаттиқ ташна бўлди. Бир қудуқ топиб, унга тушди ва сувидан ичиб чиқди. Қараса, бир ит ташналикдан тилини осилтириб, тупроқ ялаб турибди. У: «Бу итга ҳам худди менга етгандек ташналик етибди» деди-да, қудуққа тушиб, маҳсисини тўлдириб сув олиб, уни тишлаганича тепага кўтарилди ва итни суғорди. Аллоҳ унинг бу ишидан мамнун бўлиб, гуноҳларини мағфират қилди», дедилар. Саҳобалар: «Ё Расулуллоҳ, бизга ҳайвонларга қилган яхшилигимизда ҳам ажр бўладими?» деб сўрадилар. «Ҳар бир қуримаган жигарда (яъни тирик жонда) ажр бор», дедилар (Муттафақун алайҳ).

**Шарҳ:**

Мусулмонларнинг динлари раҳм-шафқат устига қурилган. Парвардигорлари уларга меҳрибондир, пайғамбарлари уларга меҳрибондир, Аллоҳ таоло уларни ўзаро бир-бирларига раҳм-шафқатли деб сифатлаган. Раҳмдиллилик Аллоҳ таоло яхши кўрадиган мақтовли хулқлардан бўлиб, У зот Ўзининг Пайғамбари соллаллоҳу алайҳи ва саллам тиллари орқали бандалари ичидан фақат раҳмли кишиларга раҳм қилишини хабар берган.

### Шарҳ:

**Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:**

1. Раҳм-шафқат мўминларнинг сифатларидан;
2. Одамларга раҳм-шафқатли бўлиш Аллоҳнинг раҳматига мушарраф



- бўлиш сабабларидан;
3. Қалбдан раҳм-шафқат олиб қўйилиши инсоннинг бадбахтлиги аломатидир;
  4. Ҳайвонларга яхшилик қилиш савобли иш.